

Pearson ВТЕС Ўзбекистон 4-даражада

# Дастурий таъминот ишлиб чиқиш


соҳаси бўйича

Малакалар

6-модул: Рақамли графика ва анимация

Ўқитувчи Ресурслари

1-нашр



## **Edexcel, BTEC ва LCCI малакаси**

Edexcel, BTEC ва LCCI малакаси бутун дунёда тажрибадан ўтган ва тан олинган, академик ва касбий малака тақдим этадиган малака бериш бўйича Буюк Британияда энг йирик ташкилот ҳисобланадиган Pearson томонидан берилади. Қўшимча маълумот олиш учун [qualifications.pearson.com](http://qualifications.pearson.com) сайти мизга ташриф буюринг. Бундан ташқари, сиз [qualifications.pearson.com/contactus](http://qualifications.pearson.com/contactus) саҳифасида биз билан боғланиш учун берилган тўлиқ маълумотлардан фойдаланган ҳолда ҳам боғланишингиз мумкин.

## **Pearson ҳақида**

Pearson – 70 дан ортиқ давлатда 35 000 дан зиёд ходимга эга бўлган, ўқитиш орқали инсонларнинг ҳаётида сезиларли ўсишга эришишни таъминлаш мақсадида барча ёшдаги одамларга ёрдам кўрсатиш устида ғайрат билан ишлаётган дунёдаги етакчи таълимга оид компания. Ўқувчилар компания манфаатларининг ва унга йўналтирилган ҳаракатларнинг маркази ҳисобланади, чунки ўқитиш тизимининг ривожланиши умуман инсонларга ижобий таъсир этади. Биз сизга ва ўқувчиларнингизга қандай ёрдам беришимиз мумкинлиги тўғрисида [qualification.pearson.com](http://qualification.pearson.com) сайти орқали кўпроқ билиб олишингиз мумкин.

*Ушбу матнда келтирилган ташқи материалларга ҳаволалар ишончли ҳисобланади. Pearson ўзгартириш мумкин бўлган материалларнинг мазмуну ёки ҳар қандай билдирилган фикрларни маъқулламайди, тасдиқламайди ва жавобгарликни ўз зиммасига олмайди. (Материал дарсликлар, журналлар, бошқа нашрлар ва веб-саҳифаларни ўз ичига олиши мумкин).*

*Мазкур ҳужжатдаги барча маълумот нашр этиш вақтига ҳақиқий ҳисобланади.*

ISBN 978 1 446 96379 1

Ушбу нашрдаги барча материаллар

© Pearson Education Limited 2020 нинг мулки ҳисобланади.

# Мундарижа

<b>Кириш</b>	<b>1</b>
<b>6-модул: Рақамли графика ва анимация</b>	<b>3</b>
Үқув құлланма	3
Иш схемаси	9
Дарс режаси	25



# Кириш

Мазкур ресурс буклети ВТЕС Ўзбекистон 4-даражада Дастурий таъминот ишлаб чиқиши соҳаси бўйича малакалар қўшимча ҳисобланади. Ресурс буектидаги ўқитиш йўналиши ва баҳолаш предмети баён этилган. Ушбу йўриқномада сиз самарали ўқитиш ва баҳоланишга доир таклиф ва ғояларни топишингиз мумкин.

Ушбу буклет сизга таълим бериш ва ўқитиш учун ғояларни, жумладан амалий тадбирларни, реал сценарийларни, иш берувчиларни мустақил ўқитишни тақдим этиш ва бошқаришга жалб этишни ҳамда тестларга тайёргарлик усулларини таклиф этади. Шунингдек, буклет сизга спецификациянинг ўз ичига олган маълумотларни амалда қандай ишлаши мумкинлигини кўрсатади ва сизни малакангиздан фойдаланишнинг турли усуллари ҳақида ўйлашга ундейди.

Мазкур буклет сизга қуйидагиларни тақдим этади:

- малакадаги модулларни тақдим этиш учун йўриқнома
- малакадаги модуллар устида ишлаш учун тавсия этилувчи ресурслар
- бутун малака бўйлаб барча модулларда қамраб олинадиган мавзулар, тадбирлар ва баҳолашларни кўрсатувчи иш схемаси
- модуллардаги маълумотни қандай тақдим этиш тўғрисидаги батафсил йўриқномани ўз ичига оладиган дарс режалари

Ушбу ресурс буектидаги маълумот малакалар учун материалларни яратиш билан боғлиқ бўлган ўқитувчилар томонидан тўпланган, шунинг учун улар ВТЕС малакаларининг янги ва жалб этадиган усулларини излашнинг муаммоларини тушунадилар.

Мазкур буклетдаги ўқитиш бўйича йўриқнома сизга малакани тақдим этишни режалаштиришдаги эътиборга олиниши лозим бўлган маълумотни беради. Унда қуйидагилар ҳақида маълумот берилган:

- малакангизнинг тузилмаси
- ўқувчиларингиз учун малакани қандай белгилаб беришингиз мумкинлиги;
- тегишли иш берувчилар билан қандай боғланишнинг ҳақидаги таклиф;
- бошқа қўллаб-қувватлаш ва имконли ресурслар тўғрисида маълумот.

Биз сизга индивидуал қўлланма тақдим этмоқдамиз. У ўқув мақсадларига ва модул таркибига бўлган ёндашувлар ҳақида таклифларни ҳамда қизиқарли ва турли хил машғулотлар учун ғояларни ўз ичига олади. Сиз шунингдек, унда ўз топшириқ ва вазифаларингизни қандай режалаштириш ва бажариш тўғрисида маслаҳатлар ва ғояларни топишингиз мумкин.

Биз ҳар бир модул учун диққат билан саралаб олинган ресурслар рўйхатини киритдик. Ушбу ресурслар рўйхатига ўқувчиларингиз фойдаланиши учун ва/ёки ўзингиз ўқитишда қўшимча материал сифатида фойдаланишингиз мумкин бўлган китоблар, веб-сайтлар ва видеолар киритилган.

# 6-модул: Рақамли графика ва анимация

---

## Ўқув қўлланма

### Модул билан танишиш

Ушбу модулнинг мақсади – ўқувчиларга рақамли графика ва анимациядан рақамли маҳсулотларда қандай фойдаланишни ўрганиш имкониятини беришдир. Ўқувчилар мақсадли аудиториянинг талабларини қондириш ва қўйилган вазифаларни бажариш учун дизайндан ва техник хусусиятлардан қандай фойдаланишни ўрганадилар. Асосий эътибор муайян рақамли маҳсулотга мувофиқ рақамли графика ва анимацияни ишлаб чиқишида компьютер билан ишлашнинг ижодий кўникмаларини ўрганишга қаратилади. Сўнгра ўқувчилар турли профессионал соҳаларда рақамли графика ва анимациядан фойдаланишни ўрганиш учун таҳлилий фикрлашни қўллашлари мумкин. Муайян мижознинг эҳтиёжларини аниқлаш ва қондириш мақсадида ўқувчилар ўз таҳлилий кўникмаларини ижодий ва лойиҳани бошқариш кўникмалари билан уйғунлаштирадилар. Ўқувчилар рақамли графика ва анимацияни яратиш ва таҳрирлаш учун дастурий таъминотга эга компьютерлардан фойдаланиш имконига эга бўлишлари лозим.

“А” ўқитиш мақсадларига эришиш учун ўқувчилар мавжуд маҳсулотларни ўрганишлари керак. Ўқувчиларга юқори сифатдаги, профессионал бажарилган графика ва анимациядан фойдаланиш имкониятини тақдим этиб, уларга ёрдам беринг. Шунингдек, улар профессионал бўлмаган мисолларга ҳам аъло, ҳам қониқарли функциялар қўшишлари керак. Графика ва анимациядан турли вазиятларда қандай фойдаланилиши ва улардан турли мақсадларда (масалан, иллюстрациялар учун, хабардор қилиш учун ва шу кабилар) қандай фойдаланиш мумкинлиги билан танишишни бошлаш ўқувчилар учун мақсадга мувофиқ саналади. Ўқувчилар турли аудиторияларнинг хусусиятлари графикани танлашга қандай таъсир қилишини тушунишлари ҳам керак. Сўнгра ўқувчилар муайян мисолларда фойдаланилган графика ва анимациялар дизайнни элементларини ўрганишлари керак. Ўқувчилар графика ва анимация билан қанчалик кўп танишиб боргандари сари техник концепцияларни янада ўрганишларига тўғри келади.

“В” ўқитиши мақсадларига эришиш учун ўқувчилар зарур кўникмаларни амалда синашлари керак. Ўқувчилар “А” ва “В” таълим мақсадлари таркиби билан танишгач, улар “С” таълим мақсадларида ўзлаштирган дизайннерлик кўникмаларидан фойдаланиб, мазкур таълим мақсадларига қайта мурожаат қилишлари фойдали бўлган бўларди. Дизайн бўйича мазкур вазифалар таълим давомида уларни тугатиш мумкин бўлиши учун ва амалий компьютер кўникмаларини ўстиришда синфга кўпроқ вақт бериш ниятида мустақил ўрганишга берилиши мумкин.

Ўқувчилар лойиҳани режалаштириш ва бошқаришнинг бир қатор амалий кўникмаларини намойиш қилишлари керак. Мустақил бажариш учун машқга тайёрланишда ўқувчилар режалаштириш ҳужжатларини аниқ ва батафсил туза олишларига ҳамда бир-бирларига ғояларга оид фикрларни бериш ва ёзиб олишлари учун самарали мулоқот қила олишларига ишонч ҳосил қилинг. Сиз ўқувчиларнинг тегишли ҳуқуқий ва ахлоқий мулоҳазалардан (муаллифлик ҳуқуқи, гонорар ва шу кабилар) хабардор эканликларига ҳам ишонч ҳосил қилишингиз керак.

“С” ўқитиши мақсадларига эришиш учун ўқувчилар амалий профессионал мақсадлар қаторидаги ўз амалий кўникмаларини ривожлантиришлари керак. Ўқувчиларга муваффақият талаблари ва натижалар таҳлилини аниқлаш мақсадида бошқа одамлар билан ишлаш имконияти берилиши керак. Ўқувчилар ҳақиқий лойиҳани амалга оширишда барча кўникмаларни қўллашни намойиш қила олишлари муҳимдир. Маҳсулот таркиби билан танишишда маҳаллий мутахассислар билан ўзаро ҳаракат қилиш фойдали бўлган бўларди. Таклиф этилган маъruzачилар каттароқ лойиҳаларда рақамли графика ва анимациядан қандай фойдаланиш ҳақида тасаввур беришлари мумкин ёки компьютер саноатида талаб қилинадиган лойиҳа бошқаруви кўникмаларига доир мисоллар ва тематик тадқиқотларни тақдим этишлари мумкин.

## Модулнинг бошланиши

Сизга модулни ўрганишнинг битта усули учун бошланғич нуқта берилади. У спецификацияда келтирилган, тавсия этилган баҳолашга нисбатан ёндашувга асосланган.

### 6-модул: Рақамли графика ва анимация

#### Кириш

Рақамли графика ва анимация компьютер саноатининг кўплаб соҳаларида маҳсулотни яхшилаш учун ҳам, фойдаланувчиларни жалб қилиш ва уларнинг қўллаб-қувватлаши учун ҳам асосий рол ўйнайди. Мазкур модул ўқувчиларга графика ва анимациялардан компьютер тизимларида фойдаланишда уларни яратиш ва бошқариш қўникмалари бериш ҳамда тушунтириш учун мўлжалланган. Ўқувчилар турли мақсадларда рақамли графика яратиш учун амалий қўникмалар ва таянч билимларни оладилар.

#### А ўқитиш мақсади – Рақамли маҳсулотларда графика ва анимациядан фойдаланиш таҳлили

- Ўқувчиларга “умумий манзара” (яъни, модулнинг мақсадини) кўрсатган ҳолда модулнинг асосий мақсадини тушунтириш. Мижознинг эҳтиёжларини қондириш учун рақамли графика ва анимацияни белгиланган рақамли маҳсулот учун яратиш зарурлигини тушунтириш.

#### A1 таркибнинг асосий соҳалари: Рақамли графика ва анимациянинг функционал вазифалари

- Мустақил тадқиқотлар ва уларнинг амалий қўлланиши билан шуғулланаётган ўқувчилар ўқитувчининг кММагида нуқтали ва векторли графика ва анимациядан рақамли маҳсулотларда қандай фойдаланишни ўрганишлари керак. Ўқувчилар уларнинг турли мақсадлардаги фойдаланилиши ва оқибатларини ўрганишлари керак.
- Ўқувчиларга рақамли графика ва анимациядан турли вазиятларда фойдаланишга доир ўзларининг таҳлилий ва баҳолаш қўникмаларини ўстириш имкониятини беринг. Улар нима учун турли жараёнлардан фойдаланилишини тушунишлари, танлай олишлари ва пайдо бўлган эҳтиёжларни қондириш учун турли жараёнлар танловини асослай олишлари керак.

#### A2 таркибнинг асосий соҳалари: Рақамли графика ва анимациянинг параметрлари

- Ўқувчиларга графика ва анимацияларни тақдим этиш ва сақлашнинг техник жиҳатлари тўғрисида ўқитувчининг кириш қилиб бериши. Маълумотлар қандай сақланиши ва йиғилиши ҳамда сақланаётган

**6-модул: Рақамли графика ва анимация**

маълумотларнинг хусусиятлари тайёр активга қандай таъсир қилишини тушунтиришдан бошланг.

- Файлдан фойдаланиш ва қўллаш графика ёки анимациянинг якуний натижаларига қандай таъсир қилишини ўрганишга вақт ажратишингизга тўғри келади (масалан, мўлжалланаётган аудитория, мақсад қилинган формат/платформа, талаб қилинадиган функциялар ва шу кабилар).
- Ўқувчиларга ҳал қилиш учун улар ўз кўникмаларини қўллаши мумкин бўлган бир қатор муаммоларни ўрганиш имкониятини беринг.

**В ўқитиш мақсади – Рақамли графика ва анимацияни ташкил этувчи элементлар****B1 таркибнинг асосий соҳалари: Муаммони аниқлаш**

- Ўқувчилар ўхшаш мақсадлар ва мақсадли аудиторияга эга бўлган мавжуд маҳсулотларни ўрганишлари керак. Улар дизайннинг ҳозирги тенденциялари ҳақида билишлари керак.
- Ўқувчиларга рақамли графика ва анимацияни яратиш дастурий таъминотни ишлаб чиқиш каби бир хилда такрорланадиган жараён ҳисобланишини тушунтириш. Ўқувчилар дастлабки ғояларни ёзиб олиш ва мижозга аниқ етказиш мақсадида лойиҳалаштиришнинг умумий инструментларидан фойдаланишлари керак. Улар ғояларни яхшилаш ва янада батафсил лойиҳаларни яратишда фикр-мулоҳазаларни қандай қилиб самарали ёзиб олиш ва фойдаланишни тушунишлари керак.

**B2 таркибнинг асосий соҳалари: Рақамли графика ва анимациянинг лойиҳа ҳужжатлари**

- Ўқувчилар муаммонинг кўламини ва мўлжалланган ечимни аниқлаш мақсадида бир қанча режалаштириш ҳужжатлариidan фойдаланишади. Ўқувчилар графика ва анимация учун лойиҳалар яратишлари керак ва режалаштиришнинг тегишли инструментлариidan фойдаланишлари керак.
- Ўқувчилар режалаштириш ҳужжатлари аниқ ва батафсил бўлиши кераклигини, мижоз (ва бошқа тегишли тарафлар) билан музокара қилишнинг асосини ташкил қилишини ҳамда лойиҳанинг самарадорлигини ва аниқ натижаларни таъминлашини англашлари керак. Режалаштириш ҳужжатлари (бу ҳақиқий ҳаётда бўлиши мумкин) учинчи тараф бошлаб берган дизайнер иштирокисиз лойиҳани давом эттириш учун режа ҳужжатлариidan фойдалана олиши мақсадида етарлича батафсил бўлиши керак.

**6-модул: Рақамли графика ва анимация****В3 таркибнинг асосий соҳалари: Ҳуқуқий ва ахлоқий мулоҳазалар**

- Ўқувчилар ўз ишлари учун манбаларнинг кенг турларидан фойдаланишлари мумкин, натижада улар тегишли ҳуқуқий, ахлоқий ва амалий мулоҳазаларни билишлари ва риоя қилишлари керак. Ўқувчилар мос манбаларни танлашда таҳлилий тафаккур билан, шунингдек, заруриятга қараб, ўз активларини яратишда кўникмалар билан қуролланган бўлишлари керак.

**С ўқитиш мақсади – Белгиланган рақамли маҳсулот учун рақамли графика ва анимацияни яратиш**

- Ўқувчилар графика ва анимацияни олиш, ишлов бериш ва таҳрирлаш имконияти бўлиши керак. Уларда тегишли ускуна ва дастурӣ таъминотдан фойдаланиб, график ва анимацион файлларни яратиш учун (С1 ва С2 бўлимларда кўрсатилганидек) тегишли инструментлар ва методларни қандай танлаш ва қўллаш ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиши керак.
- Ўқувчилар рақамли графика ва анимациядан турли вазиятларда қандай фойдаланишни ўрганишлари керак. Шунингдек, мақсад, аудитория, файл тури/ўлчами ва мақсадли платформа файллар дизайнни ва форматига нисбатан бўлган танловга қандай таъсир кўрсатишини кўриб чиқишлари керак. Ўқувчилар ҳар хил мақсадлар учун талабларни баҳолайдиган ва мижознинг эҳтиёжларига жавоб берувчи рақамли графика ва анимация яратишда тегишли инструментлар ва методларни танлай оладиган ҳолатда бўлишлари керак.

## **Бошқа ВТЕС модулларига ва малакаларига ҳаволалар**

Ушбу модул қуйидагиларга ҳавола қилинади:

- 3-модул: Веб-сайт яратиш;
- 7-модул: Мобил иловаларни ишлаб чиқиш;
- 8-модул: Компьютер ўйинларни яратиш.

### **Ресурслар**

#### **Веб-сайтлар**

<https://inkscape.org/>

Inkscape 0.92 – векторли графикани яратиш ва таҳрирлаш учун очиқ чиқиш кодли дастурий таъминот

<https://www.gimp.org/>

GIMP 2.10.12 – очиқ чиқиш кодли график муҳаррир

<https://www.blender.org/>

Blender 2.80 - 3D яратиш учун очиқ чиқиш кодли тўплам

<https://www.pencil2d.org/>

Pencil 2D – очиқ чиқиш кодли 2D анимацияси инструменти

<https://www.synfig.org/>

Synfig Studio – очиқ чиқиш кодли 2D-анимация дастурий таъминоти -  
<https://www.synfig.org/>

*Pearson ҳар қандай ташқи интернет-сайтларининг таркиби учун жавобгарликни олмайди. Ўқитувчилар учун ҳар бир веб-сайтни синфда фойдаланишдан олдин URL-манзилнинг аевалгидек аниқ, долзарб ва ўринли эканлигига ишонч ҳосил қилиши мақсадида кўриб чиқиши мухимдир. Биз ўқитувчиларга фойдали веб-сайтларга ҳаволаларни қўшишини ва ўқувчиларга бу сайтиларга мактаб/университетнинг ички тармоғи орқали уланишини таклиф қилишларини тавсия этамиз.*

## Иш схемаси

<b>Модул</b>	6-модул: Рақамли графика ва анимация
<b>Ўқув соатлари</b>	60
<b>Дарслар сони</b>	20
<b>Дарслар давомийлиги</b>	3 соат
<b>Бошқа модуларга ҳаволалар</b>	3-модул: Веб-сайт яратиш 7-модул: Мобил иловаларни ишлаб чиқиш 8-модул: Компьютер ўйинларни яратиш

<b>Ўрганиш учун калитлар</b>			
<b>БМ</b>	Баҳолаш машқалари	<b>ММ</b>	Материални мустаҳкамлаш
<b>ТЭС</b>	Таклиф этилган спикер	<b>Т</b>	Ташриф
<b>МҮ</b>	Мустақил ўқитиш	<b>ИТ</b>	Иш тажрибаси

#	Мавзу	Дарс түри	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
1	A1 Рақамли графиканинг функционал вазифаси.	МҮ	<ul style="list-style-type: none"> <li><b>Кириш:</b> Модул ва кўриб чиқиладиган асосий мавзуларни таништиринг. Бутун дастурий таъминот учун рақамли графика ва анимациянинг муҳимлигини тушунтиринг.</li> <li><b>Ўқитувчи бошчилигидаги намойиш:</b> Ҳар хил турдаги ва турли график элементли графика ва анимацияга кириш.</li> <li><b>Жуфтликда бажариладиган/кичик гурухларда машқ:</b> Ўқувчилар графика ва анимациядан қандай фойдаланилганини таҳлил қилиш учун турли маҳсулотларни ўрганишлари керак.</li> <li><b>Ўқитувчи бошчилигига муҳокама:</b> Ўқувчилар ўз таҳлиллари натижаларини бутун синфда бўлишадилар.</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>Интернетга уланган компьютерлар.</li> <li>Турли дастурий таъминотлар/рақамли маҳсулотлар банки.</li> </ul>

#	Мавзу	Дарс түри	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
2	A2 Рақамли графика ва анимация параметрлари.	МҮ	<ul style="list-style-type: none"> <li><b>Кириш:</b> Савол-жавоб сессияси ёрдамида ўтган дарсни тақорланг. Бу дарсда рақамли графика ва анимация параметрлари кўриб чиқилишини тушунтиринг.</li> <li><b>Ўқитувчи бошчилигидаги намойиш:</b> Янги техник атамаларни киритинг (масалан, вектор, нуқта ва шу кабилар). Параметрларни қандай қараб чиқишни ҳам кўрсатинг.</li> <li><b>Мустақил бажариш учун машқ:</b> Ўқувчилар рақамли графика ва анимация танланмасини ўрганиб чиқадилар. Улар параметрлар юқоридагиларни ишлатишга қандай таъсир қилишини ўрганадилар.</li> <li><b>Жуфтликда бажариладиган/кичик гурухларда машқ:</b> Ўқувчилар ўз хуносаларини гурухнинг бошқа аъзолари билан муҳокама қилишлари керак.</li> <li><b>Мустақил бажариш учун машқ:</b> Ўқувчилар ўзлари кўриб чиқсан учта графика ёки анимацияни танлашлари ҳамда улар мўлжалланган вазифага ёки муқобил мақсадларга яхшироқ мос келиши мақсадида уларни қандай ўзгартириш мумкинлигини таклиф қилишлари керак.</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>Интернетга уланган компьютерлар.</li> <li>Графика ва анимация банки.</li> </ul>

#	Мавзу	Дарс түри	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
3	В1 Муаммони аниқлаш.	МҮ	<ul style="list-style-type: none"> <li>● <b>Кириш:</b> Ўқувчиларга кейинги уч дарс давомида улар аниқ бир мижоз кўрсатмалари бўйича графика ва анимацияни режалаштириш билан танишишларини тушунтиринг.</li> <li>● <b>Ўқитувчи бошчилигидаги намойиш:</b> Кайфият тахтаси, ақлий ҳужум ва қисқа тавсиф ҳамда улардан фойдаланишни таништиринг.</li> <li>● <b>Мустақил бажариш учун машқ:</b> Ўқувчиларга графика ва анимация яратиш учун мижозларнинг кўрсатмалари берилади. Ўқувчилар: <ul style="list-style-type: none"> <li>○ Интернетдан ўхшаш маҳсулотларни тадқиқ этиш учун фойдаланадилар;</li> <li>○ кайфият тахтаси, ақлий ҳужум ва қисқа тавсифдан фойдаланиб дастлабки ғоялар тўпламини тузадилар.</li> </ul> </li> <li>● <b>Жуфтликда бажариладиган/кичик гуруҳларда машқ:</b> Ишни гуруҳнинг бошқа аъзолари билан муҳокама қилинг ва гуруҳдошлар билан фикрларни бўлишинг.</li> <li>● <b>Якун:</b> Ўқувчилар ўз ғояларини яхшилаш учун фикр-мулоҳазалардан фойдаланадилар.</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>● Интернетга уланган компьютерлар.</li> <li>● Қоғоз ва чизмачилик қуроллари.</li> <li>● Мижознинг кўрсатмалари.</li> </ul>

#	Мавзу	Дарс түри	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
4	B2 Рақамли графика ва анимация бўйича лойиҳа ҳужжатлари.	МҮ	<ul style="list-style-type: none"> <li><b>Кириш:</b> Ўтган дарсни эслатинг. Ўқувчилар энди янада батафсилоқ лойиҳа ҳужжатларини ўрганишларини тушунтириб дарсни бошланг.</li> <li><b>Ўқитувчи бошчилигидаги намойиш:</b> Фойдаланилайдиган лойиҳа ҳужжатларининг уч асосий турини таништиринг (loyihchalashтириш вазифаси, қўлда чизилган конструкциялар ва раскадровкалар).</li> <li><b>Мустақил бажариш учун машқ:</b> Ўқувчиларга ўтган дарсдаги каби мижознинг кўрсатмаларини беринг. Ўқувчилар ғоялар ёрдамида ўзларининг яхшиланган ҳужжатларини таянч нуқтаси сифатида фойдаланиб, батафсил лойиҳаларни ишлаб чиқадилар.</li> <li><b>Кичик гурӯхларда машқлар:</b> Ўқувчиларга дарс вақтида бошқалар билан ғоялар алмашинишга ва ўзлариникини яхшилашга имкон беринг.</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>Интернетга уланган компьютерлар.</li> <li>Қоғоз ва чизмачилик асбоблари.</li> <li>Мижознинг кўрсатмалари.</li> </ul>

#	Мавзу	Дарс түри	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
5	ВЗ Ҳуқуқий ва ахлоқий муроҳазалар.	МҮ	<ul style="list-style-type: none"> <li><b>Кириш:</b> Дарсга кириш қилинг ва ўқувчиларга мижознинг кўрсатмалари ҳақида эслатинг.</li> <li><b>Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама:</b> Дизайн, шунингдек, бошқалар яратган таркибдан фойдаланиш нуқтаи назаридан ҳуқуқий ва ахлоқий муроҳазаларни ўрганинг.</li> <li><b>1-Мустақил бажариш учун машқ:</b> Ўқувчилар олдиндан мавжуд бўлган, мазкур вазифа дизайннида фойдаланиладиган ресурсларни йиғиш учун интернетдан фойдаланадилар.</li> <li><b>2-Мустақил бажариш учун машқ:</b> Ўқувчилар ахлоқий омилларни қандай эътиборга олганликларини тавсифлаш учун ўз ишларига изоҳ берадилар.</li> <li><b>Баҳолаш:</b> Ўқитувчи 3-5 дарслар мобайнида кучли томонларни ва яхшилаш талаб қилинадиган томонларни аниқлаши керак.</li> </ul> <p><b>Эслатма:</b> Мазкур баҳолаш якуний ҳисобланмайди.</p>	<ul style="list-style-type: none"> <li>Интернетга уланган компьютерлар.</li> <li>Мижознинг кўрсатмалари.</li> <li>Ресурслар жадвали шаблони.</li> </ul>

#	Мавзу	Дарс түри	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
6	C1 рақамли график инструментлар. • Нуқтали графика.	МҮ	<ul style="list-style-type: none"> <li><b>Кириш:</b> Ўқувчиларга мазкур дарсда улар нуқтали графика яратиш учун зарур бўлган кўникмалар ва инструментлар устида иш бошлашларини тушунтириш.</li> <li><b>Ўқитувчи бошчилигидаги намойиш:</b> Нуқтали графика нима эканлигини тушунтиринг ва график таҳрирлаш инструментларини намойиш қилинг.</li> <li><b>Мустақил бажариш учун машқ:</b> Ўқувчиларга график кўникмаларни ўстириш учун бир қатор вазифаларни бериш.</li> <li><b>Якун:</b> Ўқувчилар ўрганиш жараёнида муаммолар келтириб чиқарган бир ёки икки кўникма/вазифани аниқлайдилар. Жуфт бўлиб қийинчиликларни муҳокама қиласидилар ва яхшилаш чораларини аниқлашга ҳаракат қиласидилар.</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>График дастурий таъминотга эга компьютерлар.</li> <li>Вазифалар режаси.</li> <li>Маълумотномалар (заруриятга кўра).</li> </ul>

#	Мавзу	Дарс түри	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
7	C1 Рақамли график инструментлар. • Нуқтали графика.	МҮ	<ul style="list-style-type: none"> <li><b>Кириш:</b> Ўқувчиларга мазкур дарсда улар нуқтали графика яратиш учун зарур бўлган кўникмалар ва инструментлар устида ишни давом эттиришларини тушунтириш.</li> <li><b>Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама:</b> Ўқувчиларга сўнгги дарсда қийинчиликлар туғдирган кўникмалар ва вазифаларни муҳокама қилишга рухсат беринг. Заруриятга қараб кўникмаларни қўшимча намойиш қилинг.</li> <li><b>1-Мустақил бажариш учун машқ:</b> Ўқувчилар сўнгги дарсда муаммолар туғдирган кўникмаларга алоҳида диққат қаратишлари керак. Ўқувчилар ушбу кўникмани ривожлантириш устида ишлашади.</li> <li><b>2-Мустақил бажариш учун машқ:</b> Ўқувчилар 3-4 дарслардаги мижознинг кўрсатмаларига мурожаат қиласидилар. Ўқувчилар йўриқнома бўйича ишлаб чиқсан графикани яратиш учун график дастурний таъминотдан фойдаланишлари керак.</li> <li><b>Якун:</b> Ўқувчилар яхшилашни талаб қиласидиган ҳар қандай соҳани аниқлайдилар ва ўқишдан ташқари вақтда кўникмаларни ривожлантириш устида ишлайдилар.</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>График дастурний таъминотга эга компьютерлар.</li> <li>Вазифа / 3-4 дарслардаги мижознинг кўрсатмалари.</li> <li>Ўқувчининг лойиҳавий иши.</li> <li>Маълумотномалар (заруриятга кўра).</li> </ul>

#	Мавзу	Дарс түри	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
8	C1 Рақамли график инструментлар. • Векторли графика.		<ul style="list-style-type: none"> <li><b>Кириш:</b> Ўқувчиларга мазкур дарсда улар векторли графика яратиш учун зарур бўлган кўникмалар ва инструментлар устида ишлашни бошлашларини тушунтириш.</li> <li><b>Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама:</b> Векторли графика нима эканлигини тушунтириш. График таҳрирлаш инструментларини намойиш қилиш.</li> <li><b>Мустақил бажариш учун машқ:</b> Ўқувчиларга график кўникмаларни ривожлантириш учун бир қатор вазифаларни бериш.</li> <li><b>Яқун:</b> Ўқувчилар ўрганиш жараёнида муаммолар туғдирган бир ёки икки кўникма/вазифани аниқлайдилар. Жуфт бўлиб қийинчиликларни муҳокама қиласидилар ва яхшилаш чораларини биргаликда аниқлашга ҳаракат қиласидилар.</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>График дастурий таъминотга эга компьютерлар.</li> <li>Вазифалар режаси.</li> <li>Маълумотномалар (заруриятга кўра).</li> </ul>

#	Мавзу	Дарс түри	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
9	C1 Рақамли график инструментлар. • Векторли графика.		<ul style="list-style-type: none"> <li><b>Кириш:</b> Ўқувчиларга мазкур дарсда улар векторли графика яратиш учун зарур бўлган кўникмалар ва инструментлар устида ишлашни давом эттиришларини тушунтириш.</li> <li><b>Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама:</b> Ўқувчиларга сўнгги дарсда қийинчиликлар туғдирган кўникмалар ва вазифаларни муҳокама қилишга руҳсат беринг. Заруриятга қараб кўникмаларни қўшимча намойиш қилинг.</li> <li><b>1-Мустақил бажариш учун машқ:</b> Ўқувчиларга мижознинг векторли графика учун керак бўладиган кўрсатмаларини тақдим этинг. Ўқувчилар кўрсатмага мувофиқ батафсил дизайнни яратадилар.</li> <li><b>2-Мустақил бажариш учун машқ:</b> Ўқувчилар йўриқномалар ва дизайндан қўлланма сифатида фойдаланиб, векторли графика яратадилар. Ўқувчиларга лойиҳанинг қисқа тавсифини тақдим этинг.</li> <li><b>Баҳолаш:</b> Ўқитувчи 6–9 дарслар мобайнида кучли томонларни ва яхшилаш керак бўлган томонларни аниқлаши керак.</li> </ul> <p><b>Эслатма:</b> Мазкур баҳолаш якуний ҳисобланмайди.</p>	<ul style="list-style-type: none"> <li>График дастурий таъминотга эга компьютерлар.</li> <li>Вазифа / мижознинг кўрсатмалари.</li> <li>Қоғоз ва чизмачилик асбоблари.</li> <li>Маълумотномалар (заруриятга кўра).</li> </ul>

#	Мавзу	Дарс түри	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
10	C2 Рақамли анимация инструментлари.		<ul style="list-style-type: none"> <li><b>Кириш:</b> Ўқувчиларга мазкур дарсда улар рақамли анимация учун зарур бўлган кўникмалар ва инструментлар устида ишлашни бошлашларини тушунириш.</li> <li><b>Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама:</b> Анимацияни яратиш ва таҳтирилаш инструментини намойиш қилиш.</li> <li><b>Мустақил бажариш учун машқ:</b> Ўқувчиларга анимацион кўникмаларини ривожлантириш учун бир қатор вазифалар беринг.</li> <li><b>Якун:</b> Ўқувчилар ўзларига муаммо туғдирган бир ёки икки кўникма/вазифани идентификациялайдилар ва улар амалий фаолият давомида дуч келган ҳар қандай қийинчиликларни жуфт бўлиб муҳокама қиласидилар ҳамда яхшилаш чораларини биргаликда аниқлашга ҳаракат қиласидилар.</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>График ва анимацион дастурий таъминотга эга компьютерлар.</li> <li>Вазифалар режаси.</li> <li>Маълумотномалар (заруриятга кўра).</li> </ul>

#	Мавзу	Дарс түри	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
11	C2 Рақамли анимация инструментлари.		<ul style="list-style-type: none"> <li><b>Кириш:</b> Ўқувчиларга мазкур дарсда рақамли анимация яратиш учун зарур бўлган кўникмалар ва инструментлар устида ишлашни давом эттиришларини тушунтириш.</li> <li><b>Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама:</b> Ўқувчиларга сўнгги дарсда қийинчилклар туғдирган кўникма ва вазифаларни муҳокама қилишга руҳсат беринг. Заруриятга қараб кўникмаларни қўшимча равишда намойиш қилинг.</li> <li><b>1-Мустақил бажариш учун машқ:</b> Ўқувчилар сўнгги дарсда муаммо туғдирган кўникмаларга алоҳида диққат қаратишлари керак. Ўқувчилар ушбу кўникмани ривожлантириш устида ишлаши керак.</li> <li><b>2-Мустақил бажариш учун машқ:</b> Ўқувчилар 3-4 дарслардаги мижознинг кўрсатмаларига мурожаат қиласидилар. Ўқувчилар кўрсатма бўйича ишлаб чиқсан анимацияни яратиш учун анимацион дастурний таъминотдан фойдаланишлари керак.</li> <li><b>Якун:</b> Ўқувчилар яхшилашни талаб қиласидиган ҳар қандай соҳаларни аниқлайдилар ва ўқишдан ташқари вақтда кўникмаларни ривожлантириш устида ишлайдилар.</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>График ва анимацион дастурний таъминотга эга компьютерлар.</li> <li>3-4 дарслардаги мижознинг кўрсатмалари.</li> <li>Ўқувчининг лойиҳавий иши.</li> <li>Маълумотномалар (заруриятга кўра).</li> </ul>

#	Мавзу	Дарс түри	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
12	С3 Маҳсулотларни фойдаланишга тайёrlаш.		<ul style="list-style-type: none"> <li><b>Кириш:</b> Мазкур дарсда ўқувчилар графика параметрларини ўзгаришиш, улардан фойдаланиш усулларини қандай ўзгаришишини ўрганишларини тушунтириинг.</li> <li><b>Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама:</b> Нима учун графика ва анимацияни турли форматларда сақлаш зарурлигини билиб олинг.</li> <li><b>Ўқитувчи бошчилигидаги намойиш:</b> Графика турли файл форматларига қандай экспорт қилиниши/сақланишини ва бунда графика параметрлари қандай ўзгаришини тушунтириинг.</li> <li><b>Мустақил бажариш учун машқ:</b> Ўқувчилар графика аниқ мақсадларга мос келиши учун графика параметрлари ва файллари турларини ўзгаришини ўзларидан талаб қиласынан шартты түрлөрдөн таңблайды.</li> <li><b>Якун:</b> Ўқувчилар ўз ишларини гуруҳнинг бошқа аъзолари билан муҳокама қиласынан шартты түрлөрдөн таңблайды.</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>График ва анимацион дастурий таъминотга эга компьютерлар.</li> <li>Мустақил бажариш учун машқ дафтари.</li> <li>Маълумотномалар (заруриятга кўра).</li> <li>Вазифа учун графика ва анимациялар банки.</li> </ul>

#	Мавзу	Дарс түри	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
13	В таълим мақсади.	ММ	<ul style="list-style-type: none"> <li><b>Кириш:</b> Ўқувчиларга кейинги тўрт дарс давомида улар ушбу модулда эгаллаб бўлган барча кўнилмаларни амалда синааб кўришга имкон берувчи вазифани бажаришларини тушунтиринг.</li> <li><b>Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама:</b> “В” таълим мақсадларидан асосий жиҳатларни сананг (3-5 дарслар). Ўқувчилар рақамли графика ва анимация талаб қиласиган вазифаларни олишларини тушунтиринг.</li> <li><b>Мустақил бажариш учун машқ/жуфтликда бажариладиган 1-машқ:</b> Ўқувчилар алоқадор маҳсулотларни тадқиқ қиласиган ва дастлабки ғояларни яратадилар. Улар ғояларни гуруҳнинг бошқа аъзолари билан бўлишишлари ва фикр-мулоҳаза олишлари керак.</li> <li><b>2-Мустақил бажариш учун машқ:</b> Ўқувчилар мижознинг янги кўрсатмаларига жавобан батафсил режалар тузадилар (В таълим мақсадларига қаранг).</li> <li><b>Якун:</b> Ўқувчилар жуфт бўлиб ўз режаларини муҳокама қилишлари керак. Улар ўз танловини тушунтириш/асослашга тайёр бўлишлари керак. Ўқувчилар гуруҳдошларига фикр-мулоҳаза билдиришлари мумкин.</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>Интернетга уланган компьютерлар.</li> <li>Мижознинг кўрсатмалари.</li> <li>Қоғоз ва чизмачилик асбоблари.</li> <li>Маълумотномалар.</li> </ul>

#	Мавзу	Дарс түри	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
14-15	В ва С таълим мақсадлари.	ММ	<ul style="list-style-type: none"> <li><b>Кириш:</b> Мазкур дарслар сериясининг мақсадини эсга солинг.</li> <li><b>1-Мустақил бажариш учун машқ:</b> Ўқувчилар ўз маҳсулотларида фойдаланиш учун ресурслар тұплаш, шунингдек, уларни ресурслар жадвалига ёзиб қўйиш мақсадида интернетдан фойдаланадилар.</li> <li><b>2-Мустақил бажариш учун машқ:</b> Ўқувчилар берилған кўрсатмалар бўйича рақамли графика ва анимацияни яратадилар.</li> <li><b>Баҳолаш:</b> Ўқитувчи 13-15 дарслар мобайнида кучли томонларни ва яхшилаш керак бўлган жиҳатларни аниқлаши керак.</li> </ul> <p><b>Эслатма:</b> <i>Мазкур баҳолаш якуний ҳисобланмайди.</i></p>	<ul style="list-style-type: none"> <li>Интернетга уланган/график ва анимацион дастурий таъминотга эга компьютерлар.</li> <li>Ресурслар жадвали шаблони.</li> <li>Мижознинг кўрсатмалари.</li> <li>Маълумотномалар (заруриятга кўра)</li> </ul>

#	Мавзу	Дарс түри	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
16	В ва С таълим мақсадлари.	ММ	<ul style="list-style-type: none"> <li><b>Кириш:</b> Ўқувчиларга 13–15 дарсларда бажарилган иш ҳақидаги ўқитувчининг тақризи нусхаларини беринг.</li> <li><b>Мустақил бажариш учун машқ/жуфтликда бажариладиган 1-машқ:</b> Ўқувчилар тақризларни ўқиб чиқишилари ва бундан кейин ўрганишни ёки яхшилашни талаб қиласиган соҳаларни аниқлашлари керак.</li> <li><b>Мустақил бажариш учун машқ/жуфтликда бажариладиган 2-машқ:</b> Ўқувчилар яхшилаш керак бўлган соҳалардаги индивидуал таълимни тугатадилар.</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>Интернетга уланган/график ва анимацион дастурий таъминотга эга компьютерлар.</li> <li>Мижознинг кўрсатмалари.</li> <li>Ўқувчининг 13–15 дарслардаги иши.</li> <li>Ўқитувчининг тақризи.</li> </ul>
17-20	А, В ва С таълим мақсадлари. Якуний Мустақил бажариш учун машқ.	БМ	<ul style="list-style-type: none"> <li><b>Кириш:</b> Баҳолашнинг асосий талаблари, топшириш муддатлари ва талаблари тавсифланган 1, 2 ва 3-вазифаларни баҳолаш мезонларини билдиринг (баҳолаш учун иш дафтарига қаранг).</li> <li><b>Мустақил баҳолаш машқи:</b> Баҳолаш учун иш дафтаридан фойдаланиб, ўқувчилар 1, 2 ва 3-вазифаларни бажаришлари керак.</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>Интернетга уланган/график ва анимацион дастурий таъминотли компьютерлар.</li> <li>Ресурслар жадвали шаблони.</li> <li>Баҳолаш учун иш дафтари.</li> </ul>

## Дарс режаси

<b>Малака</b>	Pearson ВТЕС Ўзбекистон 4-даражада дастурний таъминот ишлаб чиқиш соҳаси бўйича малакалар
<b>Модул</b>	6-модул: Рақамли графика ва анимация
<b>Дарс раҳами</b>	1 (3 соат)

<b>Дарс мақсадлари</b>	Дарс охирида ўқувчилар:
	<ul style="list-style-type: none"> <li>• рақамли графика ва анимация вазифасини тавсифлайдиган дарражада бўлади.</li> </ul>

<b>Ресурслар рўйхати</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Интернетга уланган компьютерлар.</li> <li>• Турли дастурний таъминотлар/рақамли маҳсулотлар банки.</li> </ul>
--------------------------	--

Калит: **МР**: Машқлар рўйхати; **ФШ**: Форма шаблони; **ТС**: Тақдимот слайди.

Машқлар	Ўқитувчи қайдлари
Кириш (10 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> <li>Модулни ва кўриб чиқиладиган асосий мавзуларни таништиринг.</li> <li>Бутун дастурий таъминотни яхшилашда рақамли графика ва анимациянинг аҳамиятини ва яхши фойдаланувчилик тажрибасини таъминлашда улар ўйнайдиган ролни тушунтиринг.</li> </ul>
Ўқитувчи бошчилигидаги намойиш (30 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> <li>Ҳар хил турдаги ва турли график элементли графика ва анимацияни тушунтириш мақсадида тақдимот ўтказинг.</li> <li>Турли график элементлар ва дизайн элементларидан ҳар хил вазиятлар ва аудиторияларга мос графикани яратиш учун қандай фойдаланилишини тушунтиринг.</li> <li>Тақдимот қуидагиларни қамраб олиши керак: <ul style="list-style-type: none"> <li>рақамли графика ва анимациянинг функционал вазифаси (A1.1 бўлимда кўрсатилганидек);</li> <li>турли аудиториялар ва уларнинг тавсифи;</li> <li>рақамли графика ва анимациядан иборат турли элементлар, жумладан: <ul style="list-style-type: none"> <li>- матндан қандай фойдаланилиши;</li> <li>- услугуб;</li> <li>- рангдан қандай фойдаланилиши;</li> <li>- таркиб;</li> <li>- рақамли эфектлардан қандай фойдаланилиши.</li> </ul> </li> </ul> </li> <li>Ўқувчиларни жараёнга жалб қилиш, шунингдек, улар тушунганлигини текшириш учун намойиш вақтида савол-жавоб усулидан фойдаланинг.</li> </ul>

Машқлар	Үқитувчи қайдлари
Жуфтликда бажариладиган/кичик гурӯҳларда машқ: (1 соат 50 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> <li>Үқувчилар графика ва анимациядан қандай фойдаланилганини таҳлил қилиш учун маҳсулот аудитория ва мақсадларга мувофиқлигига ишонч ҳосил қилиш учун уч ёки тўрт хил маҳсулотни батафсил тадқиқ этадилар.</li> <li>Үқувчилар яхшилаш учун яхши имкониятлар ва соҳаларни кўриб чиқишлари керак.</li> <li>Үқувчилар бутун таҳлил давомида қайдлар қилишлари ва ўз хуносаларини бошқалар билан муҳокама қилишга тайёр бўлишлари керак.</li> </ul>
Үқитувчи бошчилигидаги муҳокама: (30 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> <li>Үқувчилар ўз таҳлилларини бутун синф билан бўлишадилар.</li> <li>Үқитувчи тегишли саволлар бериб уларни қўллаб-қувватлади.</li> </ul>

## Дарс режаси

<b>Малака</b>	Pearson BTEC Ўзбекистон 4-даражада Дастурний таъминот ишлаб чиқиш соҳаси бўйича малакалар
<b>Модул</b>	6-модул: Рақамли графика ва анимация
<b>Дарс раҳами</b>	2 (3 соат)

<b>Дарс мақсадлари</b>	Дарс охирида ўқувчилар:
	<ul style="list-style-type: none"> <li>• рақамли графика ва анимация параметрлари, уларнинг фойдаланишига кўрсатадиган таъсирини тушунтириш даражасида бўладилар.</li> </ul>

<b>Ресурслар рўйхати</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Интернетга уланган компьютерлар.</li> <li>• Графика ва анимация банки.</li> </ul>
Калит: <b>МР</b> : Машқлар рўйхати; <b>ФШ</b> : Форма шаблони; <b>ТС</b> : Тақдимот слайди.	

Машқлар	Ўқитувчи қайдлари
Кириш (10 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> <li>Савол-жавоб сессияси ёрдамида ўтган дарсни тақрорланг.</li> <li>Бу дарсда рақамли графика ва анимация параметрлари кўриб чиқилишини тушунтиринг.</li> </ul>
Ўқитувчи бошчилигидаги намойиш (35 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> <li>Рақамли графика ва анимациянинг параметрлари ва уларнинг фойдаланишга таъсирини тушунтириш мақсадида тақдимот ўтказинг.</li> <li>Тақдимот қуйидагиларни қамраб олиши керак: <ul style="list-style-type: none"> <li>фойдаланиладиган янги техник тилни киритиш;</li> <li>нуқтали ва векторли графика ўртасидаги фарқقا кириш;</li> <li>нуқтали ва векторли графика ва анимациядан фойдаланиш;</li> <li>нуқтали графика параметрлари, шу жумладан: <ul style="list-style-type: none"> <li>- расм резолюцияси;</li> <li>- ўлчамлар;</li> <li>- бит чуқурлиги;</li> <li>- маълумотларни саралаш интервали;</li> <li>- ранг режимлари;</li> <li>- файл тури;</li> <li>- сиқиши;</li> <li>- файл ҳажми;</li> </ul> </li> <li>векторли графика параметрлари, шу жумладан: <ul style="list-style-type: none"> <li>- графика қандай қурилгани;</li> <li>- файл турлари;</li> <li>- кўламлилик.</li> </ul> </li> </ul> </li> <li>Графика параметрларини ўзгартиришда графикани таҳрирлаш учун дастурний таъминотдан қандай фойдаланилишини намойиш қилинг (масалан, бошқа файл форматига экспорт қилиш, расм резолюциясини ўзгартириш йўли билан ва ҳоказо).</li> <li>Ўқувчилар чалғимасликлари, шунингдек, улар мавзуни тушунганлигини текшириш мақсадида намойиш пайтида савол-жавоб сессиясидан фойдаланинг.</li> </ul>

Машқлар	Үқитувчи қайдлари
Жуфтликда бажариладиган/кичик гурухлардаги машқ: (1 соат)	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Ўқувчилар рақамли графика ва анимация сараланмасини ўрганадилар.</li> <li>• Улар: <ul style="list-style-type: none"> <li>◦ намуналарнинг параметрларини ўрганишлари зарур;</li> <li>◦ параметрлар уларнинг фойдаланишига қандай таъсир қилишини кўриб чиқишлари зарур.</li> </ul> </li> <li>• Ўқувчилар бутун таҳлил давомида қайдлар қилиб боришлари ва ўз хulosаларини бошқалар билан муҳокама қилишга тайёр бўлишлари керак.</li> </ul>
Жуфтликда бажариладиган/кичик гурухлардаги машқ: (25 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Ўқувчилар ўз хulosаларини гурухнинг бошқа аъзолари билан муҳокама қилишлари керак.</li> </ul>
Мустақил бажариш учун машқ: (50 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Ўқувчилар ўзлари кўриб чиқсан учта графика ёки анимацияни танлашлари ва уларнинг белгиланган вазифага ёки муқобил мақсадларга яхшироқ мос келиши учун уларни қандай ўзгартириш мумкинлигини таклиф қилишлари лозим.</li> <li>• Ўқувчилар график дастурий таъминотдан параметрларнинг графикага ўтказадиган таъсирини кўриш мақсадида ўзлари белгилаган параметр ўзгаришлари учун фойдаланишлари керак.</li> </ul>

## Дарс режаси

<b>Малака</b>	Pearson ВТЕС Ўзбекистон 4-даражада Дастурний таъминот ишлаб чиқиш соҳаси бўйича малакалар
<b>Модул</b>	6-модул: Рақамли графика ва анимация
<b>Дарс раҳами</b>	3 (3 соат)

<b>Дарс мақсадлари</b>	Дарс охирида ўқувчилар:
	<ul style="list-style-type: none"> <li>мазкур вазифага жавобан рақамли графика ва анимация яратишнинг батафсил режаларини тузишга қодир бўладилар.</li> </ul>

<b>Ресурслар рўйхати</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>Интернетга уланган компьютерлар.</li> <li>Қоғоз ва чизмачилик асбоблари.</li> <li>Мижознинг кўрсатмалари.</li> </ul>
Калит: <b>МР</b> : Машқлар рўйхати; <b>ФШ</b> : Форма шаблони; <b>ТС</b> : Тақдимот слайди.	

Машқлар	Ўқитувчи қайдлари
Кириш (10 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> <li>Ўқувчиларга кейинги уч дарс мобайнида уларга аниқ бир мижоз кўрсатмалари асосида графика ва анимацияни режалаштириш тақдим қилинишини тушунтиринг.</li> <li>Ушбу дарсда улар мижоз билан самарали мулоқотда бўлиш учун дастлабки ғоялар қандай ёзib олинишини кўриб чиқишиларини тушунтиринг.</li> </ul>
